



Замонавий матбуот тараққий топгани сайин «соҳа журналистикаси» тушунчаси оммалашиб бормоқда. Мамлакатимизда диний йўналишдаги журналистика ҳам ўз тарихи, ўтмиш йўлига эга. Қуйида ана шу ўзига хос тарихнинг икки шохобчаси – «Ислом нури» газетаси ва «Ҳидоят» журнаliga (95-саҳифа) доир мухтасар маълумотлар ёдга олинди.

Исомиддин АЛИМОВ,
«Ислом нури» газетаси
бош муҳаррири

Илму ирфон нури

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур» (Мужодала сураси, 11-оят).

Ҳар бир мўмин банда Қуръони каримда ваъда қилинаётган ана шу юксак даражага эришишни истайди. Бу йўлда жидду жаҳд қилади. Нафақат илм ўрганиш, уни ўргатиш, бир қалбга ислом маърифатини солиш ҳам савоби улуг амаллардан саналади. Фахр билан айта оламизки, қарийб чорак асрдирки, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий газетаси «Ислом нури» ана шу хайрли йўлда фаолият юритиб келмоқда. Ана шу давр мобайнида эса ушбу нашр фаолияти асосида юртимизда диний журналистика ривожланди, десак муболаға бўлмайди.

1990 йилларда динга қаршилик бўлиб турган бир даврда диний нашр ҳақида сўз очиш, уни ташкил этиш катта жасорат эди. Раҳматли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ана шу жасоратни

кўрсатди. Дунёга қанчадан-қанча алломалар, мутафаккирлар, ҳадисшуносларни етказиб берган халқнинг фарзандлари диний таълимдан, маънавият ва маърифатдан тобора узоқлашиб кетаётганига жимгина қараб тура олмади. Иттифоқ пойтахти Москвага шахсан бориб, диний газета чиқариш учун рухсат олиб қайтди. Шундай қилиб, 1990 йилнинг март ойида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий газетаси «Ислом нури»нинг нишона сони дунё юзини кўрди.

Айтиш мумкинки, ушбу нашрнинг чиқиши диний адабиётларга жуда катта эҳтиёж бўлиб турган пайтда айни муддао эди. Катта қизиқиш ва ҳурмат билан кутиб олингани боисидан ҳам газетанинг адади 150 минг нусхага етди. Газетада «Бир оят тафсири», «Бир ҳадис шарҳи», «Ислом асослари», «Имом минбари», «Исломи ахлоқ-одоб», «Динимизга ёт оқимлар», «Яхшиликка чақириш», «Аёллар саҳифаси» каби рунлар остида идора фатволари, Олий ҳайъат ва Уламолар кенгаши хужжатлари, ислом арконлари ва тарихи, мамлакатимиз мусулмонлари ҳаётига доир мақолалар, суҳбатлар ва хабарлар эълон қилинади.

2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти маркази деб эълон қилиниши муносабати билан «Ислом нури» газетасининг 4 тил – араб, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги махсус сони нашр этилди. 2008 йилдан буён газетанинг қоракалпоқча иловаси – «Ислам нури» чоп этилмоқда.

Шу каби «Ислом тафаккури» диёримизда илму ирфон нурини таратувчи суюкли, илмий-маърифий нашр бўлиб қолади.

